

أَدْعُكُمْ هَبُّ هَلْ لَكُلِّ دَبُّ أَدْعُرَّانِ لِمَنْ كَدَعَقَمَ لِي لِرُطْنًا هَلْ لِقِيْفٍ هَلْ وَسَرَوَهْلَلِ اُدْبَع
أَذِهِ فِي لُوقَتَاتِنُكَ أَمْ هَلْ لِقِيْفٍ رُفَاكُلْ أَوْ قِفَانُ مَلَأَمًا. أَعْيَمَجَ أَمْ هَارِيْفٍ هَلْ نَجَلِ لِمَنْ
تَيْلَاتِ الْوَتَيْرَدِ أَلْ لِقِيْفٍ هَلْ سَانِ لِقِيْفٍ أَمْ لِقِيْفٍ تَنْكُ، يَرْدَا أَلْ لِقِيْفٍ لِقِيْفٍ رَلْ
رِيْغِ هَلْ لِيْ نَمَّ أَمْ عَمَّ سَيَّ عَخِيْ صِحِيْ صَيْفٍ بَرَضِ دِيْحٍ نَمَّ قِرَاطِ مَبُّ بَرَضِيْ وَ
هَلْ سَمَّ خَلْ أَمْ هَاوَر. «نِيْلَقِ ثَلْ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Банда қачон қабрига қўйилса ва соҳиблари қайтиб кетса, уларнинг кавушлари тақиллаганини эшитиб турганида олдига икки фаришта келиб, уни ўтирғизишади ва: «Бу одам – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида нима дер эдинг?» дейишади.

Мўмин бўлса «Шаҳодат бераманки, у Аллоҳнинг бандаси ва Расулидир», дейди. Шунда унга: «Дўзахдаги ўрнингга назар сол, батаҳқиқ, Аллоҳ сенга уни жаннатдаги ўринга алмаштириб берди», дейилади. У икковини ҳам кўради.

Мунофиққа ва кофирга эса: «Бу одам ҳақида нима дер эдинг?» дейилади.

«Билмадим, одамлар айтадиган нарсани айтар эдим», дейди. Бас унга:

«Билмадинг ҳам, (билганларга) эргашмадинг ҳам», дейилади ва темирдан бўлган гурзи билан бир урилади. Шунда шундай қичқирадики, инсу жиндан бошқа ҳамма эшитади», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Ушбу ҳадисда Аҳли сунна ва жамоа ақийдаси бўйича Қуръон ва Суннат билан собит бўлган ақийдавий масала – қабр саволи ва азоби ҳақ экани ва унинг қай йўсинда бўлиши ҳақида сўз бормоқда.

Бу ҳадисни диққат билан ўрганишимиз ва ундаги ҳар бир масалани ақийда маъносида сингдириб олишимиз ва ҳар лаҳзада ундаги ҳолатни эслаб туришимиз керак.

Худди ушбу биз ўрганаётган ҳадиси шарифда айнан қабрда нималар кечиши ҳақида сўз бормоқда. Келинг, уларни бир-бир ўрганиб чиқайлик:

1. Қабрдаги янги кўмилган киши ўзини кўмиб кетаётган кишиларнинг оёқ товушларини эшитиши. Бу ҳақиқат ҳозирги замон илми орқали ҳам

тасдиқланади.

2. Қабр саволи кўмиб қайтаётган кишилар қабрдан узоқлашмай турибоқ бошланиши.

3. Қабр саволи икки фаришта томонидан олиб борилиши.

4. Қабрдаги кишини ўтирғизиб олиб, сўроқ қилиниши.

5. Бериладиган саволлардан бири Пайғамбар Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида бўлиши.

6. Бу дунёда мўмин-мусулмон бўлиб, иймони ва амали жойида бўлган киши қабр саволи вақтида ҳушёр бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларидаги саволга дадил ва аниқ жавоб бериши.

7. Мўмин-мусулмон кишининг дадил ва аниқ жавобидан кейин ҳалиги икки фаришта унга агар мўмин-мусулмон бўлмаганида, дўзахдаги жойи қайси бўлишини кўрсатиши. Сўнгра мўмин-мусулмонлиги туфайли унга жаннатдан бериладиган жойни кўрсатишлари. Аллоҳ барчамизни ана ўшандоқ бахтли кишилардан қилсин.

8. Кофир ва мунофиқлар ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида сўроқ қилиниши. «У дунёда бу одам ҳақида нима дер эдинг?» деб сўралиши.

9. Кофир: «Билмасам», деб жавоб бериши. Тилида, мусулмонман, деб юрган одам эса «Одамлар нима деса, ўшани айтар эдим», дейиши. Демак, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида одамлар нима деса, ўшани айтиб юриш кифоя қилмас экан. Кишининг қалбида у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида мустаҳкам эътиқод бўлиш, зоти шарифларини аниқ билиши керак экан.

10. Саволга жавоб бера олмаганидан кейин, кофир ва мунофиққа қаттиқ сўз айтилиб, бошига темир гурзи билан уриб, азоб бериш бошланиши. «Азоби қабр» дегани шу бўлади. Қабр азобининг баёнотлари келгуси ҳадисларда ҳам келади.

11. Қабрида темир гурзидан калтак еган кофир ва мунофиқнинг дод-войини одамлар ва жинлардан бошқа ҳамма мавжудот эшитиши.

Ушбу нарсаларга тўлиқ иймон келтириш ва ҳаётда ҳали имкон борида қабрга кирганда яхши ҳолда бўлишга лойиқ ишларни қилишга ўтиш керак.

«Сунний ақийдалар» китобидан тайёрланди.